



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 13-aprel • Seshanba • 44 (31.164) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## «ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари!

Сиз, мухтарам меҳмонларни, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертлари Ўзбекистон заминидан самимий қутлаш ва ушбу халқаро конференциядаги иштирокингиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бераясиз.

«Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари» халқаро илмий-амалий конференцияси мавзуи — фикрлар ва тақлиф этилаётган ёндашувлар ҳамда ушбу муаммоларни миллий, минтақавий ва глобал миқёсда ҳал этиш йўллари бугун дунёда кенг муҳокама этилаётган масалалар эканини инобатга оладиган бўлсак — авваламбор, ўзининг долзарблиги билан катта қизиқиш уйғотади, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайд.

Шу маънода Инқирозга қарши чоралар дастурларининг миллий даражада ўз вақтида қабул қилинган, инқироз шароити талабларига жавоб бериши, аниқ мақсадларга йўналтирилгани ва самарадорлигини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилиш, мамлакат иқтисодиётини инқироздан кейинги ривожлантириш бўйича фикр алмашиш, бу борадаги ёндашувларимиз, режаларимиз ва устувор вазифаларимизни танқидий баҳолаш анжуманининг барча иштирокчилари учун, шубҳасиз, гоёта фойдали бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилашга доир биз ишлаб чиққан беш тамойилга асосланган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошириб келинаётган иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели», шунингдек, чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат макроиқтисодий барқарорлик, молия-банк соҳасининг барқарор фаолият юритиши ва валюта захиралари кўпайишини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихия таъсиридан ҳимоялаш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам захира бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз иқтисодиётимизни, молия ва банк тизимини ортиқча ликвидлик билан пуфлаб шиширмадик, балки, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини кўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайитириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратдик.

Кенг қўламли Инвестиция дастурини амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари қўламини ва ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш, шулар ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш, солиқ юқини исчилик пасайтириб бориш, экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар учун зарур преференциялар яратиш каби чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурини белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлди.

Инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган стратегия мамлакатимизга, дунёнинг санокли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида 9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоиз ўсди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 25 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган стратегия мамлакатимизга, дунёнинг санокли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида 9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоиз ўсди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 25 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

(Давоми 2-бетда.)



Барқарор иқтисодий ривожланиш:

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ

Тошкентда Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг қўламли самараларини, жаҳон молиявий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки ҳамда Ислам тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган берилган машур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «ўзбек модели» деб эътироф

этилган ислохотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши, пухта ўйланган инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қабул қилинган тўғри йўналишда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланганини таъкидлади.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узокни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намойён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислам Каримовнинг «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаларида

келтирилган қоида ҳамда ҳулосалар ҳам буни яққол тасдиқлашни алоҳида таъкидладилар.

Миллий иқтисодиётимиз, унинг барча молия институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуksиз ишлаши учун зарур захира яратилгани, бу янада изчил ривожланиш учун салоҳиятини ошириш, мустаҳкам пойдевор яратишда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этмоқда, ишлаб чиқариш юксалмоқда, экспорт кўрсаткичлари, жумладан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан оширилмоқда, уни диверсификация қилиш ва етказиб бериш қўламини кенгаймоқда, хорижий инвестициялар жадал суръатда жалб этилмоқда.

2-бет >>>

### ЎзХДП ҳаёти

## Электорат манфаатини ҲИМОЯ ҚИЛИШ

асосий вазифамиздир, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши пленумида

Фаоллар Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда 2009 йилнинг асосий маърузаларида баён этилган гоёлар, танқидий фикрлар, ҳулосалар асосида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят ташкилоти фаолиятини кучайтириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

3-бет >>>

### 1 САВОЛГА ЖАВОБ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш учун нималар қилиш керак?

— Партияимиз электоратининг кўпгина қисми қишлоқ туманларида истиқомат қилади. Бундай ҳудудларда кўплаб аҳоли манзиллари туман марказларидан анча олисда жойлашган. Ана шуни ҳисобга олиб, Жамоатчилик қабулхоналарини кўчма тарзда чекка ҳудудлар, олис қишлоқларда ташкил этишни тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Марказдан узоқда яшайдиган аҳоли олдида боришдан аввал тегишли ҳудуддаги ижтимоий уларият, одамларнинг кайфияти, узарили нима кўпроқ таъшишга солиши, муаммолари нималардан иборатлигини ўрганиш, таҳлил этиш зарур. Бундан ташқари, кўчма қабулга партия фаоллари, депутатлари билан бирга ҳуқуқшунослар ва бошқа тегишли соҳалар мутахассисларини ҳам жалб этиш керак.

Сабаби, биринчидан, узоқ жойларда истиқомат қилаётган электоратимиз ўзини таъшишга солаётган масалаларни ҳал этиш учун марказга келишга қийналади. Иккинчидан, Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат этаётган кишиларнинг ҳар хил саволлар қизиқтиради. Учинчидан, электорат билан бевосита мулоқат қилиш орқали тегишли ҳудудда аҳволни, электоратимиз турмуш тарзини, ижтимоий ҳаётини янада чуқурроқ ўрганиш имконияти юзага келади.



Суханберди АЛЛАШЕВ, ЎзХДП Ташкент вилоят ташкилоти раиси

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

### 13 апрель об-ҳавоси



### Юртимизда

Тошкент	—	27°C
Самарқанд	—	27°C
Нукус	—	21°C
Қарши	—	28°C
Ургуч	—	21°C
Навоий	—	26°C
Фарғона	—	25°C
Бухоро	—	26°C
Анджон	—	25°C
Наманган	—	25°C
Тариз	—	31°C
Жиззах	—	25°C
Сирдарё	—	25°C
Тошкент вил.	—	25°C

### Дунё бўйлаб

Лондон	—	19°C
Париж	—	18°C
Москва	—	18°C
Мадрид	—	22°C
Пекин	—	26°C
Гонконг	—	24°C
Рим	—	21°C
Анқара	—	12°C
Токио	—	18°C
Стокгольм	—	14°C
Кейптаун	—	28°C
Қоҳира	—	26°C
Гавана	—	32°C
Вашингтон	—	25°C
Нью Йорк	—	28°C

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 13 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:

1 Австрали доллар	1456,74
1 Англия фунт стерлинги	2412,09
1 Дания кронаси	286,26
1 БАА дирҳами	424,74
1 АҚШ доллари	1560,01
1 Миср фунти	283,12
1 Исландия кронаси	12,44
1 Канада доллари	1555,19
1 Хитой юани	228,60
1 Малайзия ринггити	489,65
1 Польша злотийси	547,45
1 СДР	2365,93
1 Туркия лираси	1053,49
1 Швейцария франки	1476,16
1 Евро	2133,47
10 Жанубий Корея вон	14,02
10 Япония иенаси	167,53
1 Россия рубли	53,20
1 Украина гривнаси	196,81

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маърузаларини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайган.

# «ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўтган йили экспорт ҳажми 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий салдоси сезиларли даражада ошиши ва олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади. Инқироз ва жаҳон иқтисодий-иқтисодий таъминланган қарамай, мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди, уларнинг ярмидан ортиги қишлоқ жойларда яратилди. Давлат бюджетининг барқарор профицити таъминланмоқда. Ташқи қарз 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ялли ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли халқаро экспертлар томонидан тасдиқланган прогнозларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида экспорт ҳажмининг ўсиши ва саноатни янада ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2010 ва 2011 йилларда мос равишда 8,5 ва 9 фоиз иқтисодий ўсишга эришилади.

Шу билан бирга, нуфузли халқаро таҳлилчи ва экспертлар таъкидлаётганидек, дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир даври ортда қолганига қарамай, жаҳон иқтисодий ҳоли узоқ муддатли ва мураккаб тикланиш жараёнини бошидан кечириб туриб тургандай.

Аксарият мамлакатларда кескин тебранишлар, кўпгина ҳолларда жаҳон бозоридан талабнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши давом этаётгани ва аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашиши оқибатида иқтисодий рецессиянинг тақорланиш ҳавфи

ҳали-ҳамон сақланиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг камайиши давлат бюджети тақчиллигига олиб келади. Бу ҳавфли миқдос касб этиб, давлат молиявий ресурслари барқарорлигига таҳдид солади ва ижтимоий кескинлик хавфини келтириб чиқаради.

Айрим мамлакатларда давлат қарзи миқдорининг ортиб бораётгани ҳам ана шу муаммолар билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий ўсишнинг қонқарсизлиги ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилаётган бир шароитда фонд ва хомашё бозорларида индексларнинг ҳаддан ташқари оширилиши ва шиширилиши эътиборни тортади. Бу эса вақти келиб ёриладиган ҳамда молия ва валюта бозорларида янги ўпирилишларга олиб келадиган «пуфаклар» кўпайиб бораётганидан далolat беради.

Пул эмиссиясининг ортиб бораётгани ва шу тарика молия-банк секторининг тўлдирилаётгани ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу инфляция жараёнларининг издан чиқиш хавфини юзага келтиради ва иқтисодийта жиддий номутаносибликларга олиб келади.

Кўплаб таҳлилчиларнинг фикрича, банк секторидоги ортиқча ликвидлик оқибатида қатор мамлакатларда иқтисодийнинг реал сектори, ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорлик соҳасини молиялаштиришда жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Бу ҳолат иқтисодийнинг реал секторидоги молиявий аҳолининг кескин ёмонлашиши ва кредитлар қайтарилиши билан боғлиқ жиддий муаммо-

лар юзага келаятгани билан изоҳланмоқда.

Жаҳон бозоридоги протекционизм сиёсати айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун инқироздан чиқишдаги етдиқ ғов бўлиб қолмоқда. Дунёнинг етакчи 20 давлати иш-тироқида бўлиб ўтган саммитлардаги декларатив баёнотларга қарамай, бундай сиёсат тобора кенг қўлланилмоқда.

Банк тизимиде таваккалчиликлар мезонлари ва бу таваккалчиликларни бошқариш механизмларини аниқлаш, иқтисодийнинг бошқаришнинг бозор принципларига давлат аралашувининг даражаси ва меъёри билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралар ҳамон давом этаётгани ҳам таъкидлашни истардим.

Сақланиб қолаётган ва ўз ечимини топаётган бундай муаммолар аксарият экспертларнинг жаҳон иқтисодийнинг инқироздан чиқиш ва инқироздан кейинги ривожланиш жараёни узоқ ва ғоят мураккаб кечилиши мумкинлиги ҳақидаги қатъий фикрини тасдиқлайди. Шу билан бирга, молия бозориде янги ўпирилишлар рўй бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, инқироздан кейинги иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг миллий моделини бево-сита келиб чиқадиган асосий устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат, деб биламиз. Бунда иқтисодийнинг хомашёга йўналтирилганидан бутунлай воз кечган ҳолда таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация

қилиш дастурларини амалга ошириш, экспорт таркибиде оқори технология ва рақобатбардош маҳсулотлар салмоғини кескин кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларининг қудратли замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган муҳим стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестицион сиёсат юритиш вазифалари доимий эътиборимизда бўлади.

Фикримни тасдиқлаш учун айрим мисолларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

2010 йилда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириши давом этиши ва янгиларини бошлаш учун умумий ҳажми 3 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилиш ёки унинг ҳажмининг ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни 46 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар учун мамлакатимизда энг қулай шарт-шароит яратиш билан бир қаторда ички ресурсларни ишга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йилда иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 14 баробар ўсди, бунда инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлар улushi умумий кредит портфелининг қарийб 70 фоизини ташкил этди.

2007 йилда, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб

чиқаришни реконструкция ва модернизация қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Бугунги кунда Жамғармада 4,7 миллиард доллардан зиёд валюта маблағлари тўпланган.

Ўтган йили мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш дастури тасдиқланди. Бу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан ортиқ 300 дан зиёд лойиҳа киритилган.

Бу лойиҳаларнинг аксарияти бўйича маблағларнинг аниқ манбалари, инвесторлар консорциумлари ва ихро мuddатлари белгиланган.

Банк тузилмалари, ҳужалик субъектлари ва аҳолини инвестиция жараёнига кенг жалб этиш ва уларнинг иштирокчини янада рағбатлантириш ҳисобидан ички талабни кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастури бундай лойиҳалар ихросига яққол мисол бўла олади. Ушбу дастур қишлоқларни замонавий архитектура ва саноат асосида тўздан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Узоқ истиқболга мўлжалланган ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун

кучли лойиҳавий, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник салоҳият ва зарур ташкилий тузилмалар яратилди, рағбатлантириш чоралари ва преференциялари ишлаб чиқилди.

Махсус ташкил этилган банк ва унинг жойлардаги филиаллари орқали 2010 йилда ушбу мақсадлар учун 390 миллион доллар эквивалентда маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда, бу 2009 йилдаги кўрсаткичдан 4 баробар кўпдир. Бунда жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, уй-жой қурувчиларнинг маблағлари 60 миллион доллардан ошди. Барча қишлоқ туманларида умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 7600 дан ортиқ уй-жой қуриш мўлжалланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур дастурнинг амалга оширилиши қурилиш билан боғлиқ барча соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларига талабни оширади, ўн минглаб, юз минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Ишончим комилки, форум давомида ишлаб чиқилмаган ҳулоса ва тавсиялар, шубҳасиз, амалиётда ўз аксини топади ва инқирозга қарши чоралар дастурлари самарадорлигини оширишга кўмаклашади, жаҳон иқтисодийнинг инқироздан кейинги тикланиш жараёнида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Конференция иштирокчиларининг барчасига самарали фаолиятда муваффақият тилайман!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Барқарор иқтисодий ривожланиш:

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конференцияда таъкидландики, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари томонидан кенг эътироф этилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислохотлар сиёсатининг мантӣқий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ушбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодий реал сектор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технология янгилаш Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Анжуманда мазкур чораларнинг амалга оширилиши кейинги икки йилда тижорат банкларининг жами капиталини икки баравар кўпайтириш имконини бергани қайд этилди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар ортиқдир. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш эвазига реал сектор қорхоналарининг молиявий барқарор-

лигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Ҳужалик субъектлари учун солиқ юқини имкон қадар пасайтириш чоралари кўрилди. Мамлакатимиз экспортчи қорхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўсди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Бугун ушбу соҳада мамлакат ялли ички маҳсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг 2008 йилдан муваффақиятли амалга оширилиши бошланиши таъминлаш имконини берди. Мисол учун, 2009 йилда ялли ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Конференциянинг ялли мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга, мамлакатимизда глобал инқироз салбий оқибатларининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида қабул қилинган ва фаровонлиқни оширишда муҳим омил бўлаётган комплекс чора-тадбирларга юксак баҳо берди. Конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб

берилган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини доирасида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодийнинг янада жадал юксалтириш, мамлакат ҳаётининг барча жаҳалларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шио Жао ўз нутқида минтақанинг аксарият давлатлари, Ўзбекистондан фарқи ўлароқ, жаҳон иқтисодий инқироздан жиддий зарар кўрганлини таъкидлади. Ўзбекистонда ноёб инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур инқирозгача бўлган даврдаги самарали иқтисодий сиёсат, инқироз оқибатлари таъсирини юмшатиш, реал сектор тармоқлари ва ижтимоий соҳани бирликда ривожлантириш орқали янада тараққиёт этишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ҳаётбахш ислохотлар миллий иқтисодийта инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Осиё тараққиёт банки қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Бой салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси жиддий ўрганишга лойикдир.

БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси Марказий Осиё департаменти директори Махмуд Аюб глобал инқироз жаҳон миқёсида ижтимоий ривожланишга ғоят салбий таъсир кўрсатганини қайд этди. Бунинг натижасида қарийб 240 миллион киши ишидан айрил-

ди, 170 миллион нафардан ортиқ киши қашшоқ бўлиб қолди. Мамлакат аҳолиси глобал инқирознинг салбий таъсирини деярли сезмагани Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишнинг муҳим ижобий натижаларидан биридир. Кучли ижтимоий сиёсатнинг, айниқса, жаҳон инқирози даврида амалга оширилиши ғоят оқилона ёндашувдир. БМТ Тараққиёт дастури келгусида ҳам ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш ҳамда миллий салоҳиятни ривожлантиришда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайверади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакили Дэвид Овен конференция иштирокчиларига жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг инқироздан чиқиши бўйича ХВЖ прогнозлари тўғри-ли маълумот берди ва бу жараён дунёнинг турли минтақаларида турли суратларда кечаётганини таъкидлади. Ўзбекистон инқироз оқибатларини бартараф этишда нафақат МДҲ, балки бошқа қўллаб-қувватлар орасида энг яхши натижага — ялли ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди. Жаҳон инқирози таҳдидларига ўз вақтида жавоб қайтариш бўйича пухта ва чуқур ўйланган сиёсат ташқи салбий таъсирларни юмшатиш имконини берди. ХВЖ мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган барча ижобий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Ўзбекистонда амалга оширилаётган стратегиядан минтақанинг бошқа давлатлари иқтисодий ривожланишнинг самарали модели сифатида фойдаланиши мумкин. Ислом тараққиёт банкни (ИТБ)

ривожлантириш бўйича Ислом бирдамлик жамғармаси раҳбари Башир Фадлалле ўз нутқида Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида «Янги ўйни қурмасдан туриб, эҳсисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни асослаб берганини таъкидлади. Мамлакатда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар ҳам ушбу мақсадга асосланган. Ўзбекистон дунёнинг 2009 йилда иқтисодий юксалишга эришган кам сонли мамлакатларидан бири бўлгани ИТБга аъзо давлатлар учун катта фахр-ифтихордир. Ўзбекистон ИТБга аъзо бўлганидан буён мамлакатда 29 та қўшма лойиҳа амалга оширилди. Ҳамкорлик тажрибаси ривожланиш жараёнини янада кучайтириш учун мамлакатнинг қудратли институционал салоҳиятга эга эканидан далolat бермоқда.

Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатонаси раҳбари Лу Брефор глобал инқирознинг Марказий Осиё давлатлари учун макроиқтисодий оқибатларига тўхталар экан, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим омил бўлишини таъкидлади. Иқтисодийни диверсификация қилиш бўйича чуқур ўйланган сиёсатни рўёбга чиқариш, пул-кредит тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш натижасида жаҳон инқирозининг миллий иқтисодийта таъсири деярли сезилмади. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон минтақадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш учун реал чоралар кўрган биринчи мамлакат бўлди. Жаҳон банки келгусида ҳам Ўзбекистонни ушбу комплекс иқтисодий сиёсатни амалга оширишда қўллаб-қувватлашга тайёр.

«Корей-Эйр» компанияси (Корея Республикаси) президенти ва ижрочи директори Чи Чанг Хуннинг фикрича, Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва унинг асосий объектларидан бири бўлган «Навоий» аэропорти бозор ислохотларининг ўзбек модели самарадорлигига ёрқин мисол бўла олади. Бу, ўз навбатида, Европа, Хиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёни бир-

лаштирадиган замонавий Буюк ипак йўлини барпо этишда катта истиқболга эгадир. Ўтган йили «Навоий» аэропортидан халқаро йўналишлар бўйича қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди ва бу мазкур аэропорти глобал логистика тармоғига интеграциялаштириш имконини берди. Янги юк терминалининг қурилиши йилига 100 минг тоннагача юқини қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш имконини беради. Яқин вақт ичиде «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, шубҳасиз, Евроосиёдаги энг йирик иқтисодий марказига айланади.

Конференцияда сўзга чиққан АКШнинг мамлакатимиздаги Факулда ва Мухтор элчиси Ричард Норланд Ўзбекистон иқтисодиётда ўтиш даврини муваффақиятли бошдан кечирган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади. Бугун Америка компаниялари Ўзбекистонни ўз сармояларини киритиш учун энг жозибдор бозор сифатида қайд этмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган

америкалик тадбиркорлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Мамлакатда хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш учун қўрилатган чоралар келажакда уларни мамлакат иқтисодиётига янада фаол жалб қилиш каролати ҳисобланади.

Нью-Йорк давлат университети (АҚШ) профессори Парвиз Морвжнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсати самарасида бундан ўзбекистон дунё мамлакатлари учун иқтисодий ўсиш модели бўлиб хизмат қилмоқда ва у кўлга киритаётган улкан ютуқлари билан халқаро ҳамжамиятга ўз ривожланиш дастурининг самарадорлигини намойиш этмоқда. Ўзбекистон нафақат гло-

бал иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини самарали бартараф этиш, балки комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам бошқа давлатлар учун ўрнак бўлмоқда. Бу чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилиши эса келажакда мамлакатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Сўнгра конференция ўз ишчи секция мажлисида давом эттирди. Уларда жаҳон молиявий инқирознинг дунё мамлакатлари иқтисодиётга таъсири ва унинг оқибатлари, инқироздан кейин халқаро ва минтақавий даражада ривожланиш истиқболлари муҳокама этилди. Анжуман якуллари бўйича тайёрланган ҳулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг маърузаларида белгиланган ишқорлар кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг қўллаб-қувватлари учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мазкур халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштиришга доир тажрибаси аксарият давлатлар учун бугунги кунда ҳамда келажакда барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

АЛЕДУЛЛАЕВ (ЎЗА) оғани суратлар.

# Сўз — конференция иштирокчиларига

Пойтахтимизда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзудаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўнлаб мамлакатлардан тўрт юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

### Ханс Йохим КНАУПЕ, Берлиндаги Халқаро Иқтисодий Академияси директори, профессор (Германия):

— Юсак савияда ташкил этилган ушбу конференция Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ақиллиқдор дастури билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатлар экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр алмашиш имконини берди. 2009 йили мамлакатингизда шу мавзуда ўтказилган йирик халқаро анжуманда иштирок этиб, ўзим учун жуда зарур маълумот ва янгиликларга эга бўлган эдим.

Ўзбекистоннинг гоёт мукамал, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бўлган шароитида иқтисодий ислохотларни қамраб олиш баробарида, келгусида — инқироздан кейинги даврда ҳам тараққиёт сари элтувчи муҳим устувор йўналишларни, чора-тадбирларни акс эттирган. Унда белгиланган ва зифвалар кўпгина мамлакатлар учун истиқболли дастур сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

### Кольм ФОЙ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Тараққиёт марказининг «Қора денгиз ва Марказий Осиё ташаббуси» дастури муроғлаштирувчиси (Франция):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йиллардаги жадал ва барқарор ривож мамлакат таълаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодий таркибий янгилаш, экспортни диверсификация қилиш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя миқдоридан ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнатқ олса арзийди. Бундай изчил чораларни ўз вақтида амалга оширган Ўзбекистон глобал иқтисодий инқироз шароитида деярли зарар кўрмади.

### Лаура Жузепина МАЖИ хоним, Италиянинг «Интерэнерджи» энергетика компанияси директори:

— Ўзбекистонда ўтказилган қатор йирик анжуманларда иштирок этганман. Бундай хайрли ва фойдали анжуманларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юсак сиёсий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятини намоён қилаётди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотди. Ажойиб фикр ва фикрлар билан йўрилган бу китобда глобал иқтисодий таназулга қарши курашиш чора-тадбирлари ва иқтисодий барқарорликка эришиш йўллари оқилона ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодий соҳасидаги нуфузи охиш бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун қўллаб қўлайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар италийлик бизнесменларнинг ҳам Ўзбекистонга қизиқишини тобора орттирмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан санокли давлатларга беэарар чиқишга эришди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатингизнинг ялпи ички маҳсулоти 2009 йилда 8,1 фоиз ўсгани бунинг эркин тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида электр энергетикаси тармоғини модернизация қилиш, энергия тежашининг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш устувор ва зифа этиб белгиланган. Бу чораларни ҳаётга изчил татбиқ этиш нечоғли юсак самаралар берганига дунё ақли гувоҳ бўлиб турибди. Бошқа давлатларда ҳам бу дастурдан ибрат олиб иш юритиш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

### Нейл ЛИВИНГСТОН, «Executive Action» компанияси бош ижрочи директори (АҚШ):

— Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар юсак самаралар бераётганига яна бир бор амин бўлдим. Бу мамлакатингиз раҳбариятининг молиявий инқирознинг олдини олиш мақсадида стратегияни тўғри ишлаб чиқгани туғайлидир. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қўллаб қўлайликлар, жумладан, хусусий тадбиркорлик борасида ҳам ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари катта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳоннинг қўллаб тилларига таржима қилинган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби америкаликларда ҳам катта қизиқиш уйғотганини алоҳида таъкидлашни истардим.

### Дхарам ВИР, «Agio Investment» компанияси директори, «Pajero» компаниялар гуруҳи президенти (Хиндистон):

— Ўзбекистонда барча соҳалар жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, авиасолик ва авиаташувларнинг юсак ривожини қайд этиш ўринли. Авваллари Хиндистондан Ўзбекистонга бошқа мамлакатлар орқали келар эдим. Бу кўп вақт ва маблаг талаб этарди. Ҳозир Хиндистондан Ўзбекистонга келиш учун атиги 2-3 соат вақт етарли.

Мамлакатингиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳавас қилса арзиғулик даражада барқарор ривожланимоқда. Соҳага илғор ва замонавий технологиялар, янги инновациялар фаол жорий қилинаётгани ва бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани мазкур жабҳа изчил тараққиёт этишга хизмат қилмоқда.

### Хельмут КРУНЕС, «КЯК» қурилиш-саноат компанияси раҳбари (Австрия):

— Қўллаб мамлакатларнинг таниқли олим ва мутахассислари, бизнес одамлари иштирок этган ушбу конференция жуда самарали бўлди. Унда Ўзбекистоннинг глобал молиявий-иқтисодий инқироздек жиддий офатни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари хусусида батафсил фикр алмашилди. Айтишни керакки, мамлакатингиз иқтисодий инқироздан ҳеч қандай зарарсиз чиқишга муваффақ бўлди. Бу эса Ўзбекистонда олиб бораётган изчил ислохотлар самарасидир.

Конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар вакиллари Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури бераётган самараларни юсак баҳолади. Ушбу дастурда инқироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари ҳам акс этгани диққатга саазовор.

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Бу шаҳар-қишлоқларингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида — улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

### Танриверди ПАША, Иқтисодий институти бўлим мудирини (Озарбойжон):

— Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга қўллаб имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бундай юсак эътибор мамлакатингиз иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз.

Ўз вақтида қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонга иқтисодиётни барқарор ривожлантириш имконини берди. Мамлакатингизда, айниқса, қарши сармоясини кенг жалб этиш ва қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга қаратилган доимий эътибор ва унинг самаралари таҳсинга лойиқ.

### Андреас АНДРИАНОПУЛОС, АҚШ коллежи қошидаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институтини директори (Греция):

— Конференция жуда самарали бўлди. Унда глобал молиявий-иқтисодий инқироздек жиддий муаммони бартараф этишда Ўзбекистон изчиллик билан амалга ошираётган чора-тадбирлар ва уларнинг юсак самаралари хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни янада мустаҳкамланиб, иқтисодий соҳасидаги нуфузи охиш бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун катта қўлайликлар яратилган. Яратилган турли имтиёз ва имкониятлар грециялик ишбилармонларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

### Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ):

— «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг етуқ иқтисодчи ва буюқ йўлбошчи эканини яна бир тасдиғидир. Мамлакатингиз раҳбарининг узоқни қўллаб юритаётган оқилона сиёсати боис Ўзбекистон халқаро иқтисодий бўҳрондан деярли азият чекамди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим дастуриламал бўла олишига қатъий ишонман.

### ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.




ЎЗБЕКISTONNING ЯНГИ АВТОМОБИЛИ

Анджон вилояти Асака шаҳридаги «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобильларга мамлакатимиз ташқарисидан ҳам буюртма кўпаймоқда.

Ҳозир бу ерда янги русумли «Нексия-2», «Дамас-150», «Матиз», «Ласетти», «Эплика», «Каптив» сингари замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Айни кунларда мазкур корхонада янги русумли «М-300» замонавий автомобиллар туркумини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Шухрат Олимов (ЎЗА) олган суратлар.



## Электротар манфаатини ҳимоя қилиш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эътироф этиш жоизки, пленум баҳс-мунозаралар, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Унда партиявий тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш, дастурий мақсадларнинг амалда бажарилишини таъминлаш, жойларда депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, электротар ҳаётий манфаатлари учун астойдил кураш олиб бориш билан боғлиқ бир қатор таклифлар ўртага ташланди.

### Имомберди БЕРДИЕВ, халқ депутатлари Жиззах тумани Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партия ташкилотининг нуфузи, жамиятдаги таъсир кучи кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари фаолиятига боғлиқ. Чунки, электротар манфаатига оид кўп муаммолар айнан депутатлик гуруҳлари ташаббуси, саъй-ҳаракати орқали ҳал этилади.

Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонун ва қарорлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жойларда

қандай ижро этилаётгани юзасидан изчил депутатлик назорати ўрнатиш, бу борада барча даражадаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кескин жонлантириш талаб этилади.

### Фикрий ШАХЗОДАЕВА, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Очиғи, турли-туман, катта-кичик тадбирларимиз оз эмас, аммо уларнинг иштирокчиларини, сўзга чиқувчиларини ҳам, айтиладиган гаплар ҳам кўпинча бир хил. Мен, фақат ҳисоботлар учунгина тадбирлар ўтказишга чек қўйиб, энг дол-

зарб муаммолар, электротар манфаатларига дахлдор ҳаётий масалалар ечимига хизмат қиладиган тадбирлар ўтказишнинг аниқ режаларини белгилаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Майли, тадбирлар камроқ бўлсин, лекин фойдали ўтсин, ўзининг натижаси, самарасини берсин.

### Алиқобул ЎСКАНОВ, ЎзХДП Зарбдор туман кенгаши раиси:

— Бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайти. Чунки, маҳаллий дастурлар ижросини назорат қилиш, мажбуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни катта. Афсуски, партияимиз кўйи бүгунги ҳамма жойда ҳам талаб даражасида ишламаяпти. Бу масалага жиддий эътибор қаратмасак, хато ва камчиликларни тўзатмасак, партия ташкилотлари фаолиятини кучайтира олмаимиз.

### Ақром ИНОМОВ, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ҳаммамизга яхши маълумки, Жамоатчилик қабулхоналари электротар билан ишлаш, жойлардаги муаммоларни ўрганишда муҳим мустақил айланди. Бирок бу имкониятдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари устида жиддий ўйлашимиз керак. Бизга мурожаат қиладиган кишиларга амалий ёрдам кўрсатсак, партияимиз обрўси ошади.

Шу ўринда яна бир фикрни айтмоқчиман. Депутатларимиз билан сайловчиларнинг учрашувларида кўтарилган масалалар ечимини юзасидан ташаббуслар билан чиқиш, корхона, ташкилот, бошқарма раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш сингари қонуний ваколатлардан ўринли фойдаланиш зарур. Негаки, депутатларимиз фаолияти, депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги талаб даражасида бўлмас экан, сиёсий кўннинг дастурий мақсадларини амалга ошириш мумкин эмас.

Шунингдек, пленумда яна қўллаб қўйилган ўртага ташланди. Уларнинг барчаси эътиборга олинб, вилоят партия ташкилотининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

### Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири:

## Доимий комиссия йиғилиши

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда депутатлар билан бирга маҳаллий ОАВ вакиллари қатнашдилар.

## ОАВ билан ҳамкорлик масалаларига бағишланди

Комиссия раиси, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Ақром Акбаров депутатларнинг доимий равишда матбуотда чиқишларини ташкил этиш, амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини одамларга чуқур тушунтириб бориш, сайловчилар дуч келаётган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Доимий комиссия аъзоси, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов янгилашиб бора-

ётган даврда матбуотнинг тутган ўрнига тўхтади. Айниқса, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида оммавий-ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш борасида қўйган вазифаларни амалга оширишда доимий комиссия, вилоят Кенгаши, шунингдек, ҳар бир депутат олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритди.

— Ҳозир вилоятда 42 та газета ва битта журнал чоп этилмоқда.

Теле ҳамда радио студиялар фаолият кўрсатади. Мазкур оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш асосий вазифаларимиздан биридир, — деди у. — Бу масалага ўз ваколатлари доирасида маҳаллий кенгашлар ҳам эътибор қаратиши зарур.

Доимий комиссия муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликда Шайхонтоҳур туманидаги «Болалар ижодиёти уйи»да мактабгача тарбия муассасаларида етакчилар захирасини мустаҳкамлашга бағишланган семинар ташкил этди.

## Етакчилар захирасини тайёрлаш

Маълумки, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилган дастлабки тадбирда пойтахтимиздаги 7 та туман камраб олинди ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида 300 нафарга яқин мутахассис иштирок этган эди. Бу галги анжуманда эса Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларидан 200 нафарга яқин асосан ёшлар қатнашмоқда.

— Келажак авлодни комил инсон, баркамол шахс қилиб тарбиялаш кўп жиҳатдан мактабгача тарбия муассасалари мудирларининг касб маҳорати тага боғлиқ, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мактабгача таълим бўлими услубчиси Венера Махмудова. — Пойтахтимизда 469 та мактабгача тарбия муассасаси, 25 та боғча — мактаб комплекси фаолият кўрсатапти. Бу даргоҳларда 85 минг



648 нафар кичиктой тарбияланмоқда. Семинарнинг ўтказишдан асосий мақсади мактабгача тарбия муассасаларида етакчи, раҳбар кадрлар захирасини бойитиш, уларнинг билим ва кўникмасини оширишдир. Семинар иштирокчилари 4 та секцияга бўлиниб, муассасаларда ўз-ўзини молиялаш тизимига ўтиш, мезъэрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари хусусида фикрлашдилар. Замира РИСБАЕВА

## Халқаро эътирофлар кўргазмаси

Пойтахтимиздаги Ўзэкспомарказ кўргазмалар залида 6-халқаро Саноат ҳафталиги доирасида «IndustrialExpo Uzbekistan» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган кўргазмада Германия, Италия, Россия, Туркия, Швейцария, Эрон, Хиндистон, Хитой, Тайланд, Япония, Франция,

Қозғоғистон каби қатор мамлакатлардан 50 дан ортиқ компаниялар саноат соҳасига оид энг янги технология ва лойиҳалари, жаҳон бозорига тақдим этилаётган маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

«IndustrialExpo Uzbekistan» халқаро саноат ҳафталиги доирасида «MashExpo Uzbekistan», «ЛабораторияЭкспо», «MiningExpo», «ElectroExpo» энергетика, «ChemExpo» химия, «WascExpo» иқтисослаштирилган кўргазмалари намойиш этилмоқда.

Ушбу халқаро саноат ҳафталиги юртимиздаги саноатнинг энг муҳим йўналишларини ўзида бирлаштирган ягона кўргазма ҳисобланади.

Наргиза ОТАБЕКОВА

# Мутахассислик байрами



Ёшликни инсон ҳаётининг эртаси учун уруғ қадаладиган баҳор палласига ўхшатиш мумкин. Бу даврда ҳар бир йигит-қиз ўзи учун муҳим режалар тузади, келажакка ишонч, орзу-истаклар уммонда яшайди.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётининг янада тараққий этишида илмга чанқок, изланувчан ёшларнинг қобилиятларини шакллантириш, уларнинг таълим-тарбия соҳасига оид эҳтиёжларини қондириш, таълим олиши, қизиқишига мос касб-хунар эгаллашнинг таъминлаш борасида катор ишлар амалга ошириляпти.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Мутахассислик — сенинг келажакинг» мавзудаги касблар кўргазмаси ана шундай кенг қўламли тадбирлардан биридир. Кўргазма «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 80 та касб-хунар коллежи ҳамда 38 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшларга чуқур билим бериш билан бирга 115 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Кўргазмада мактаб битирувчилари мазкур таълим муассасалари ҳақида бартафил маълумотларга эга бўлдилар.

Келажакда болалар шифокори бўлмакчиман, — дейди 279- мактаб битирувчиси Сардор Худойберганов. — Тиббиёт соҳасига ихтисослашган коллеж ва лицейларнинг таълим йўналишлари, имкониятлари ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлдим. Уқини Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги

академик лицейда давом эттиришни ният қилдим.

— Иштирокчиларга қулайлик яратиш мақсадида, ҳар бир коллеж ва лицей учун алоҳида-алоҳида жой ажратилган, — дейди тадбир катнашчиси, Чилонзор тиббиёт коллежи ўқитувчиси Хуснора Худоевона. — Кўргазма ўтган йиллардагига нисбатан анча замонавий кўринишга эга. Таълим муассасалари ўз йўналишидан келиб чиқиб, талабалар томонидан ясалган автомобиль маркетлари, кўргазмали ўқув қуроллари билан иштирок этишмоқда. Бунинг аҳамияти шундаки, масалан тиббиётга қизиқадиган ўқувчи шу мутахассисликка оид кўргазмани ўқувчиларни кўриб, чуқуррок тасаввурга эга бўлади, маълум маънода соҳанинг масъулиятини ҳис қилади.

— Ўқувчилар кўзидаги қизиқиш ва хурсандчилики, санъаткорларнинг чиқишларини кўриб, тадбирни ўзига хос байрам дегим келди, — дейди Омонжон Исмоилов. — Неварам 9-синфга ўтгандан буён унинг қайси касбни эгаллаш, ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида ташкил этилди.

— Аввало, кўргазма ташкилотчиларига раҳмат, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университетини қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Нафиса Усмонова. — Ушбу тадбир орқали минглаб ёшлар ўз режаларини аниқлаштириб олади, деб ўйлайман. Ўқувчилар асосан ўзи қизиққан фан бўйича, шу билан бирга,

уйига яқинроқ, транспорт йўналиши қулай бўлган коллеж ёки лицейни танлашмоқда.

— Ёшлигимдан темирйўлчилик соҳасига қизиқаман, — дейди Республика мусика ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Бобур Тўхтаев. — Ота-онам ҳам шу соҳада ишлашди ва фикримни қўлаб-қувватлашди. Шунинг учун Тошкент темирйўллар институти қошидаги 2-академик лицейга ўқишга топширмоқчиман.

— Болада касб-хунарга лаёқат туғма ва орттирилган бўлади, — дейди психолог Муяссар Ахмедова. — Авлодида маълум бир касбга мойиллик бўлса туғма, ҳаёт давомида ўлаштирилган касб эса орттирилган дейилади. Табиийки, ҳамма болада ҳам касб-хунарга лаёқат кўзга ташланиб турмайди. Бунда ота-она ва ўқитувчиларнинг қизиқишларига эътиборли бўлиш талаб этилади. Масалан, мактаб психологлари 6-, 7-, 8-, 9-синф ўқувчилари орасида касб-хунарга мойиллик тестини ўтказишлари катта аҳамиятга эга. Бу тест орқали боланинг айтган қайси касб-хунарга лаёқати борлигини аниқлаб олиш мумкин. Одатда 5-, 6-синфларда боланинг санъат ёки спортнинг бирор турига қизиқиши борлиги яққол сезилиб туради. Мана шундай пайтларда унинг лаёқатидан келиб чиқиб, бирор тўғараққа қўйиш ёки устозга бириктириш унинг қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, болага ёшлигидан хунар ўргатилгани маъқул. Бу уни ўз келажакга учун олдиндан ҳаракат қилишга ўргатади. Кўргазмада таълим муассасалари хунармандчилигининг зардўзлик, қулоччилик, ёғоч ўймакорлиги каби турларда талабалар томонидан ижод қилинган намуналар билан қатнашмоқдалар. Бу албатта, ўқувчиларни мазкур хунар турларига қизиқтиришга, улар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади.

— Ўқувчилар кўргазмани обдон томоша қилиб, ўртоқлари, ота-оналари, устозлари билан маслаҳатлашиб, тўғри хулосага келмоқда, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицей ўқувчиси Назоқат Жўраева. — Масалан, мен бошқа мутахассисликни танламоқчи эдим, аслида мана бу йўналишда ўқисам бўлар экан, деган ўқувчилар ҳам бор. Табиийки, ота-оналар ва ўқувчиларнинг барча коллеж ва лицейларга бориб улар ҳақида маълумотга эга бўлиш имконияти йўқ. Шу жиҳатдан ушбу тадбирни улар учун яратилган катта имконият, дейиш мумкин.

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Лимона Ахмедованинг маълумот беришича, кўргазмада 38130 нафар ўқувчи ҳамда 2990 нафар ота-она қатнашди. Айтиш мумкинки, мазкур кичик мутахассисликлар кўргазмаси ҳақиқий байрамга айланди.

Дилфўз ЗАЙНИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Баркамол авлод йили

# Олимпия йўлланмалари учун кураш давом этмоқда

Пойтахтимизда давом этаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари Сингапурда ёшлар ўртасида бўладиган I Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

Жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ёшлар ўртасида бўладиган I Олимпия ўйинларининг оғир атлетика бўлағида саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган мамлакатлар терма жамоалари куч синашди.

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмағида Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ва йигирма тўрт мамлакатнинг икки юздан зиёд спортчиси қатнашган мусобақада дастлаб ўн етти ёшгача бўлган ўғил-қизлар олимпия йўлланмаси учун рақобатлашди. Қондаг бинаоан йўлланмалар спортчиларнинг умумий натижасига кўра юқори ўринларни эгаллаган терма жамоаларга берилди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси вакили Муҳаммад Юсупов вази 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар беллашувида даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича учта олтин медални қўлга киритди. Зиёвуддин Кутбидинов

даст кўтаришда кумуш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича бир жупт бронза медалга сазовор бўлди. Ёш полвонимиз Мадийр Ибрагимов даст кўтариш машқларида қучли учликдан жой олди. Чемпионатда учта олтин, битта кумуш ва учта бронза медал жамғарган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси олимпия лицензиясини қўлга киритди.

Халқаро оғир атлетика федерацияси вакили Атилла Адамфи (Венгрия) ўзбекистонлик полвонлардан ташқари Ироқ, Саудия Арабистони, Туркменистон, Корея Халқ Демократик Республикаси ўсмирлар терма жамоаларига ҳам олимпия йўлланмаси берилганини эълон қилди.

Қизлар ўртасидаги беллашуларда истеъдодли спортчимиз Марина Сисоева даст кўтариш, силтаб кўтариш, икки кураш беллашуларидида жами учта бронза медалга эга бўлди. Бу натижа Ўзбекистон қизлар терма жамоасининг Сингапур Олимпиадасига йўлланма олиши учун кифоа қилди.

Қолган учта йўлланма Индонезия, Филиппин, Малайзия қизлар терма жамоаларига қўйилди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуи мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатининг иккинчи қисми — 13-15 апрель кунлари ўтказилган ёшлар ўртасидаги мусобақаларда йигирма ёшгача бўлган оғир атлетикачилар совринли ўринлар учун куч синашди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, Байрам АЙМУРДОВ, ЎЗА мухбирлари

# Ҳам ўқишда, ҳам амалиётда пешқадам



Тойлоқ туманидаги Агроекономика касб-хунар коллежидида етти йўналиш — қишлоқ хўжалик механизацияси, фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, енгил саноат маҳсулотлари ва технологиялари, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, электрэнергетика ҳамда информатика ва ахборотлаштириш технологиялари бўйича мутахассислар тайёрланиб келинмоқда. Бу масканда 1077 нафар йигит-қиз ўзлари танлаган касб сирларини кунт билан ўрганапти.

— Таълим маскани замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Физика, кимё ва биология фанларига мўлжалланган лабораториялар, хорижий тилларни мукамал ўргатишга ихтисослашган тўртта лингафон ва иккита компьютер хоналари бор. — дейди коллеж директори Туробжон Аббосов. — Ўқув дарсликлари ва бадий адабиётларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази доимо билимга чанқок ўқувчилар билан гавжум.

Коллежимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашишга ҳаракат қилаяптиз. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун мониторинг юритиб, тегишли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб бораёптиз.

Йигит-қизлар олган назарий билимини амалий машғулот орқали мустақкамлаб бориши учун чилангарлик, тикув-

чилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби устаконалар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ўқувчилар амалиётни тумандаги «Тони Гривен» консерва заводи, «Стеклопластик» қўшма корхонаси, МТП ва фермерлар уюшмаси ҳамда бошқа бир қанча ташкилотларда ўташмоқда. Коллеж битирувчиларининг аксарияти келгусида мазкур корхона ва ташкилотларда ўз иш фаолиятини давом эттиришди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакики, фан ва спорт тўғарақлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Раиса Қосимова, Мирзо Набиев, Сайёра Абдуқодирова, Абдувоҳид Маждидов каби изланувчан ва талабчан мураббийларнинг ўқувчилари республика миқёсидида ўтказилган турли кўрик-танлов ва фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида голиб ва совриндорлар сафидан жой олиб келишмоқда.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

# Авиаҳалокат сабаблари ўрганилмоқда

Шанба кунини эрталаб Россия ғарби — Смоленскда юз берган авиаҳалокат жаҳон ҳамжамиятини ларзага солди. Ушбу фожиа боис «Ту-154М» русумли самолёт бортидаги барча йўловчилар — 96 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Улар орасида Польша президенти Лех Качинский, унинг рафиқаси ҳамда уларга ҳамроҳлик қилган Польшанинг расмий делегацияси ва бошқа йўловчилар бор эди.

Улар Иккинчи жаҳон уруши даврида, аниқроқ, 1941 йили фожиами тарзда қатл этилган ва оммавий кўмилган польшаллик ҳарбийларни хотирлаш учун — Катин фожиясининг 70 йиллигига бағишланган хотира тадбирида иштирок этиш учун келишган эди.

Россия Федерацияси прокуратураси қошидаги тергов қўмитаси бошлигининг айтишича, дейилади «Интерфакс» АА хабарида, авиадиспетчерлар ва экипаж аъзоларининг ўзаро алоқадаги сўзлашувларидан аниқландики, диспетчерлар Смоленскда туман қалинлиги ва кўниш мумкин эмаслиги ҳақида экипаж аъзоларини огоҳлантирган, шу билан бирга захирадаги аэродромга қўниш таклиф этилган. Аммо экипаж аъзолари самолётни айнан Смоленскдаги аэропортга қўндиришга чоғланиб, мезбидан зиёд

пастлаб учгани боис аэропортга етмай ўрмондаги даракт шохларига урилиб, ҳалокатга учраган.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, ҳозир «Ту-154М» самолётининг қора қутиси Давлатлараро авиация қўмитаси экспертлари (улар орасида Польша ва Россия авиацияси ҳамда прокуратураси вакиллари ҳам бор) иштирокида очилиб, унда автоматик равишда қайд этилган ахборотларни ўрганиш бошланди. Ҳалокат жойида эса Россия тергов қўмитаси сининг бош тергов бошқармаси ва криминалистика тергов-суриштирув ҳамда текширув ишларини олиб бормоқда.

Тергов қўмитаси бошлиғи ўринбосари маълум қилишича, барча жасадлар шахсини аниқлаш учун Москвага олиб кетилган. Шу кунгача фожиа қурбонларининг 24 нафарининг шахси аниқланди. Шу жумладан, Лех



Качинскийнинг ҳам. Качинский жасади самолётда Варшавага жўнатилиди. Унинг рафиқаси Мария Качинскийнинг шахсини эса хозирча аниқлашнинг иложи бўлмапти.

Польша Вазирлар Маҳкамасининг факултетида мажлисида бош вазир Дональд Туск мамлакатда бир ҳафталик мотам кунини эълон қилди. Умуман, дунёнинг кўпгина мамлакатлари раҳбарлари Польша халқига ҳамдардик билдириш билан бирга бир кунлик мотам кунини эълон қилдилар. Европа Иттифоқи, Бразилия, Россия шулар жумласидандир.

«ВВС» хабарига қараганда, Польша сейми маршали — парламент куйи палатаси спикери

Мамлакат асосида Алимбек ТОШЕЕВ тайёрлади.

## Қинғир иш — келтирар ташвиш

# Ёнилғифурушлар

Қарийб 60 ёшни қоралаган Намоз Насриддинов ўзининг шахсий машинаси салонига 160 литр дизель ёнилғисини солиб, Қўзилқум оралиғидаги Навоий — Зарафшон магистрал йўлида кетаётганида сири фош бўлди. Ундан мазкур ёнилғи хусусидаги тегишли ҳужжатлар сўралганда, жавоб беролмай ерга қараб қолди.

Учқудук туманида яшовчи Шохруз Пирматов ҳам бу борада пихини ёрган экан. У Учқудук — Хатирчи йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Мерседес Бенц» русумли, давлат рақами 21 К 5605 бўлган автобусда 400 литр дизель ёнилғисини бирор бир ҳужжатсиз, яширинча пуллаш учун олиб кетаётганида тўхтатилди. Юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Янги Томдидан «Керигетоу» қоракўчлик ширкат хўжалиги томон ҳаракатланаётган автомашина шубҳа уйғотди. У тўхта-

тиб текширилганда, давлат рақами 21 Е 9148 бўлган «ГАЗ-53» автомашинаси юкхонасида яшириб қўйилган роппа-росса 1,4 тонна дизель ёнилғиси мавжудлиги аниқланди. Автоматик бошқарувчиси Парасат Ашилов эса тегишли ҳужжат кўрсатолмади. Қинғир иш, кўриб турганингиздек, ҳар доим ташвиш олиб келади. Ҳалол ва хотиржам яшашга нима етсин.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд банк коллежи томонидан 1999 йил 30 июнда Абраев Ойбек Тўқбоевич номига берилган «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича 309151-сонли диплом йўқотганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали раҳбарияти филиал ходими Мубин Ҳошимовга ўғли Алишер ҲОШИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla OROPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Partiya hayoti</b> 233-10-13 <b>Madaniyat va sport</b> 233-69-45, 233-20-36, 233-44-55 <b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot</b> 233-12-56 <b>Reklama va e'lonlar</b> 233-38-55, 233-47-80 <b>Mas'ul kotib</b> 233-72-83, 236-55-17
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda</b> — 25-32-70 <b>Buxoroda</b> — 223-06-02 <b>Gulistonda</b> — 25-46-45 <b>Jizzaxda</b> — 227-48-35 <b>Navoiyda</b> — 223-83-73 <b>Namanganda</b> — 226-43-81 <b>Nukusda</b> — 222-77-21 <b>Samarqandda</b> — 35-02-55 <b>Urganchda</b> — 517-30-58 <b>Farg'onada</b> — 224-18-78 <b>Denovda</b> — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Behzod SHUKUROV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshaaba, pashaaba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 349 13887 nusxada bosildi t — Tjorat materiallari ISSN 2010-7633 O'za yakuni — 23.00 Topshirilgan vaqti — 01.15 1 2 3 5 Sohuvda erkin narxda